

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ ФАОЛИЯТИ УЧУН СЎРОВНОМА РЕГЛАМЕНТИ

### 1.1. Номи

Тадбиркорлик субъекти фаолияти учун сўровнома.

### 1.2. Хизмат кўрсатувчи бўлим

Сўровномада кўрсатилган муаммолар бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг масъул бўлимлари

### 1.3. Хукуқий асоси

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 сентябрьдаги “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 441-сонли Қарори ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Устави.

### 1.4. Хизматдан фойдаланувчилар

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахс ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган жисмоний шахс кўринишидаги тадбиркорлик субъектлари.

### 1.5. Ижро муддати

Сўровнома Палатага келиб тушган қундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади. Сўровномани кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари истисно тариқасида кўпи билан бир ойгача узайтирилиши мумкин, бу ҳакда мурожаат этувчига хабар қилинади.

### 1.6. Мурожаатчини хабардор қилиш

Мурожаатчига сўровноманинг ижроси юзасидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг масъул бўлимлари томонидан хабардор қилинади.

### 1.7. Мурожаат ижроси вақти

Сўровнома ижроси фақатгина иш куни ва иш вақтида амалга оширилади.

### 1.8. Рад қилиш асослари

Аноним мурожаатлар;

Амалдаги қонунчиликда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.